

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши
магистратура мутахассислигининг
малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратурамутахассислиги малака талабининг кўлланиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйичамагистрларкасбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
2.4.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
2.5.	<i>70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	11
	Библиографик маълумотлар.....	12
	Келишув вараги.....	13

1.70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашниа малга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли далат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши –“Архитектура ва қурилиш” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, олий, ўрта маҳсус ва профессионал, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш ва қуриш, кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларнинг эксплуатацияси ва реабилитацияси, кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларнинг зилзилабардошлиги, сунъий иншоотларни лойиҳалашни автоматизациялаш ва қурилишфани ва технологияларининг асосий йўналишларига оид маҳсус фанларни ўқитиш, халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль ва темир йўлларидағи кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатациясини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги бошқармалар, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларида халқаро тажрибаларга мувофиқ кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатациясига доир технологик жараёндаги масалаларни ечиш мажмуасини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида хамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқотфаолияти ва жараёнлар;
- “Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитаси” бошқармаларида;
- “Кўприккурилиш” трести унитар корхонасида отрядлари;
- технологик жараёнларни тадқиқот қилиш ва такомиллаштириш;
- илмий-тадқиқот жараёни;
- ўқув жараёни.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Магистратура битириувчилари магистр академик дарајасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик магистратура битириувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини тахлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва тахрир қилиш, утказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шархларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатация ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш. профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишинг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning). Масофавий ахборот технология ва ўкув- методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг халқаро тажрибаларга мувофиқ инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда халқаро тажрибаларга мувофиқ технологик жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа командасини бошқариши;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиши;

- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиши;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишини ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тузиш;

- автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишни такомиллаштириш бўйича халқаро тажрибаларга мувофиқ янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинишини ташкил қилиш;

- автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш, реабилитация қилиш, реконструкция қилиш ва эксплуатация қилиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш жараёнида халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологияларни қўллаш;

- автомобиль йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш, қуриш, реабилитация қилиш, реконструкция қилиш ва эксплуатация қилишни ташкил этиш, бунда амалий масалаларни ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни ишлаб чиқиш.

2. 70730805 – Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умум методологик фанлар асоси, иктиносидий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий хуқуқий хужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмashiш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул қила билиши;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- “Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитаси” бошқармалари, “Кўприккурилиш” трести корхоналари ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- “Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитаси” бошқармаларида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллай билиши;

- кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларнинг эксплуатацияси бўйича бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.3. Касбий квалификациялар:

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитаси структурасига кирувчи автомобиль йўлларидаги сунъий иншоотларни лойиҳалаш институтларида ва хусусий лойиҳалаш корхоналарида, куриш ва эксплуатация қилиш корхоналарида муҳандис-геодезиячи, муҳандис-қидирав гурӯҳи раҳбари, муҳандис-лойиҳачи, смета бўйича мутахассис, смета бўлими бошлиғи, лойиҳа бош муҳандиси, техник бўлим мутахассиси, муҳандис-курувчи, етакчи мутахассиси, техник бўлим бошлиғи, кўприк хўжалиги корхонаси бош муҳандиси, директор ўринбосари, лойиҳа институти ёки корхонаси директори, йўл-лойиҳа экспертиза корхоналарида эксперт, етакчи эксперт, мутахассис, етакчи мутахассис, бош муҳандис, директор, автомобиль йўллари мажмуаси муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш тизимида ҳар қандай лавозимлардаги квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

2.4. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятининг тавсифи ҳамда касбий компетенциясига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, хафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Мажбурий фанлар”, “Танлов фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Мажбурий фанлар блоки:

Ушбу фанлар блоки битирувчида қуидагилар ҳақида тасаввур, билим ва малака, кўникма ва компетенцияларни шакллантириши **лозим**:

- илмий тадқиқот методологияси ва экспериментларни режалаштириш - илмий тадқиқот асослари: илмий билиш ва ижодкорликнинг методологик асослари, илмий-тадқиқот ишларининг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари, илмий-техник ахборотларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш; илмий тадқиқот услублари: назарий тадқиқотлар методологияси, экспериментал тадқиқотлар методологияси, илмий тадқиқотларда моделлаштириш асослари, диссертация ишини тайёрлаш услуги ва ҳимояси, ихтирочилик ижодкорлиги асослари, илмий жамоани ташкил этиш; экспериментларни режалаштириш ва натижаларига ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари: илмий тадқиқотларда компьютер техникаларидан фойдаланиш, экспериментларни режалаштириш ва уларни ўтказиш, эксперимент натижаларига ишлов бериш услублари, илмий ва назарий тадқиқотларни таҳлил қилиш, хулоса ва таклифларни шакллантириш, илмий тадқиқот ишлари ҳисоботларини тузиш, илмий маълумотларни чоп этишга тайёрлаш;

- маҳсус фанларни ўқитиши методикаси - таълим жараёнини ташкил этишнинг илмий услубий асослари, маҳсус фанларни ўқитиши методикаси фанининг мақсади, вазифалари ва унинг мазмунини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжатлар, маҳсус фанларни ўқитишининг психологик педагогик асослари, маҳсус фанларни ўқитишида педагогик технологияларни кўллаш, маҳсус фанларни ўқитиши методикаси: маҳсус фанларда назарий дарсларни ташкиллаштириш ва ўтказиш методикаси, маҳсус фанларда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкиллаштириш ва ўтказиш методикаси, маҳсус фанларни ўқитишида мустақил таълим, маҳсус фанларни ўқитишида таълим жараёнини бошқариш, маҳсус фанларни ўқитишида талабаларнинг билим, кўникма ва малалакаларини баҳолаш, педагогик мониторинг ва рефлексия, маҳсус фанлар ўқитувчисига қўйиладиган талаблар, педагогик маҳорат;

-кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаш- автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларнинг таснифланиши ва асосий элементлари, лойиҳа ишларини меъёрий ҳужжатларни туғри юритиши, сунъий иншоотларни кўндаланг ва бўйлама кесимини лойиҳалаш, кўприклар ва транспорт тоннелларини лойиҳалаш технологияларини ривожлантириш омиллари, автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларни лойиҳалаш, темирбетон конструкциялари ечимларини баҳолаш, автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларни лойиҳалаш омиллари, Ўзбекистон Республикаси шароитларида “автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларни” меъёrlари ва қоидалари, лойиҳа ишларини олиб боришнинг замонавий технологиялари, йўлларни лойиҳалашда табиий-иклим омилларини таъсирини ҳисобга олиш, автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларни архитектура-ландшафт лойиҳалаш, мураккаб табиий-иклим шароитларида йўлларни лойиҳалаш, Автомобиль йўлларидағи сунъий иншоотларнинг қидирув-loyiҳa ишларини ташкил этиш, реконструкция жараённда техник қидирув, сунъий иншоотларни конструкцияларини ҳисоблаш, сунъий иншоотларни реконструкция лойиҳалари, сунъий иншоотларни техник-иктисодий асослаш ва ишчи чизмалар, курилиш материаллари заҳираларини қидириш, лойиҳа ечимларини ишончлилигини таъминлаш, лойиҳалаш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш каби мазмундан иборат.

-кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичларни куриш- кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар, қувурларни қуриш технологиялари ва эксплуатация қилиш, сунъий иншоотларни қурилиш меъёrlари ва қоидалари, қурилиш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, сунъий иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш ишлари, сунъий иншоотлардан фойдаланишни ташкил этиш, сунъий иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш технологияларини ривожлантириш омиллари, сунъий иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш, темирбетон конструкциялари ечимларини баҳолаш, сунъий иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш омиллари, кўприклар ва транспорт

тоннелларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалаларини, йигма ва яхлит кўприк конструкцияларини тайёрлаш жараёнларини, шаҳар сунъий иншоотларнинг схемалари ва конструкцияларини тайёрлаш, сунъий иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш ишларини, сунъий иншоотларидан фойдаланишни ташкил этишини, сунъий иншоотларни ўтиш жойларини саклаш ва таъмирлашни, қурилиш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қурилиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига кўйиладиган талаблар каби мазмундан иборат.

-кўприклар ва тоннелларнинг зилзилабардошлиги- кўприклар ва тоннелларнинг зилзилабардошлиги реал шароитларда ва бино ва иншоотларни сейсмик ходисаларини хисобга олиб лойиҳалашни шакллантиришга хизмат килади. Ўзбекистон худудининг катта кисми сейсмик хавфли худудларда жойлашган, шунинг учун бу худудларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш зарур. Сейсмик районларда қуриладиган кўприклар ва тоннелларнинг лойиҳалаш масалалари назарий ва амалий билимларини ўзлаштириш асосий вазифа хисобланади. кўприклар ва транспорт тоннеллари зилзилабардошлиги соҳасидаги изланишлар йўналишлари, турли конструкцияли катта кўприкларни зилзилабардошликка хисоблашни билиш ва улардан фойдалана олиши, кўприклар ва транспорт тоннелларини зилизилабардошликка хисоблашнинг умумий усулларига кўйиладиган талаблар каби мазмундан иборат;

- кўприклар ва тоннелларни лойиҳалашни автоматизациялаш- кўприклар ва тоннелларни геоахборот тизимлари, кўприклар ва тоннелларни лойиҳалашнинг ахборот технологиялари, лойиҳа-қидирув ишларини замонавий технологияларида бажариш, AutoCAD, SOFT автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаш, AutoCAD, SOFT автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида муҳандислик қидириш маълумотларини ва жойнинг рақамли моделини шакллантириш, AutoCAD, SOFT автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида трасса режасини лойиҳалаш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида кўприклар ва тоннелларни бўйлама кесимини ва йўл пойини лойиҳалаш, AutoCAD, SOFT автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида йўл тўшамасини ва кичик сунъий иншоотларни лойиҳалаш, AutoCAD, SOFT автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида кўприклар ва тоннелларни жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳа ечимини баҳолаш;

-кўприклар ва тоннеллар қурилишини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш-кўприклар ва тоннеллар қурилишини ташкил этишнинг долзарблиги, қурилишнинг бош режасини ишлаб чиқиш, тайёргарлик ишлари, кўприклар ва тоннеллар қурилишини ташкил этишда хавфзислик қоидалари, қурилишни бошқариш ва тўғри ташкил этиш масаларини ўрганади. Кўприклар ва тоннеллар қурилишини чизиқли календар графигини ва технологик жараёнлар кетма кетлиги ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширади. Кўприклар ва тоннеллар қурилиш жараёнидаги сифатни бошқариш, қабул қилишдаги сифат назорати бошқичлари каби мазмундан иборат.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида автомобиль йўл соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириши, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усусларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Илмий амалиёт (Стажировка).

- соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

- фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

- соҳага тегишли амалий касбий ва илмий тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

- касбга самарали мослашув имкониятларни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

2.5. 70730805– Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 26 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Колган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, автомобиль ўйларидағи сунъий иншоотлар, кўприклар, тоннеллар, кувурлар, метрополитенлар, уларни лойихалаш асослари, қуриш, малака талаблари, халқаро тажрибаларга мувофиқ текшириш ва синаш, қурилишдаги стандартлаштириш, конструкция ва иншоотлар ишончлилиги, шикастланиш ва бузилишлар, иншоотларнинг реконструкцияси, уларни тиклаш ва кучайтириш, кўприк, тоннел ва метрополитенларнинг диагностикаси, таъмири, сунъий иншоотлар конструкцияларини мухандис синовлари ва воситалари, кўприк, тоннел ва метрополитенларни текшириш ва синаш учун замонавий асбоб-ускуналар, приборлар ва информацион-ўлчов комплекслари, зилзилабардошлиқ, фан, техника, методология, тадқиқот, автоматлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асблоблари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, виртуал лаборатория.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил «»

М.ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги хузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202 йил «»

М.ў.



202 йил «»

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси
Автомобиль йўллари қўмитаси

Раис ўринбосари,  бош мухандис  О.Адилов

202 йил «»

М.ў.



Тошкент архитектура-курилиш
институти

Ректор  Р.Ҳакимов

202 йил «»

М.ў.

